



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 16 июль, № 137 (5811)

Сешанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!



Малакали мутахассислар

ҳар бир соҳа ривожининг муҳим пойдеворидир

Юксак билимли ёшлар эл-юртнинг ишончи, таянчидир. Муҳими, бугун ана шундай интилувчан, шижоатли ўғил-қизларимизнинг илм ўрганиб, касб-хунар сирларидан воқиф бўлиши, иқтидор ҳамда салоҳиятини намоеъ этиши учун давлатимиз раҳбари томонидан барча имкониятлар яратиб берилган. Бунга жавобан эса навқирон авлод вакиллари ҳавас қил-

гулик ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Суратдаги бу бахтиёр ёшлар жорий йил Тошкент автомобиль-йўллар институтини магистратура йўналиши бўйича тамомлаб, магистрлик илмий даражасига эришдилар. Шу муносабат билан бу ерда битирувчиларга тантанали диплом топириш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

ТАЪЛИМ

ТАДБИР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ватанимиз муस्ताқиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокидаги аънавий республика анжумани доирасида ижтимоий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Шижоатли ва фаол қизлар сафи кенгаймоқда

“Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!” шиори остидаги мазкур тадбир Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари ҳамда уларнинг давомчилари бўлган иқтидорли қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ролини кучайтириш, уларнинг етакчилик қобилиятини юксалтириш мақсадларига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари қатнашди.

рағбатлантириш, уларнинг истеъдодларини тўла-тўқис рўёбга чиқаришга қаратилган ишларнинг самарали ташкил қилинаётгани диққатга сазовор. Зотан, аёлни улуглаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида республикамизда қабул қилинган барча муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар юртимиз аёлларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишларига зарур шарт-шароит яратди. Бу яқинда Тошкентда “Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий, маданий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини кенгайтириш: Ўзбекистон таърибаси” мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда ҳам алоҳида эътироф этилган эди.

Тадбирда совриндор қизлар депутатлар, сенаторлар ҳамда сиёсий партияларнинг “Аёллар қаноти” раҳбарлари ва фаол хотин-қизлар фаолияти билан муфассал танишдилар.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Бонн шаҳрининг марказий майдонида Жаҳон халқлари маданияти халқаро фестивали бўлиб ўтди. Бонн шаҳри маъмурияти томонидан уюштирилган мазкур аънавий тадбирда Германияда фаолият кўрсатётган юздан ортиқ дўстлик жамиятлари ва уюшмалари, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар ҳамда миллий маданият марказлари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Бонн халқаро маданият анжуманида

Хусусан, ушбу халқаро анжуманда Бонн шаҳрида фаолият юритаётган Ўзбекистон — Германия дўстлик жамияти томонидан республикамизнинг Берлин ва Франкфурт-Майндаги дипломатия ваколатхоналари билан ўзаро ҳамкорликда ўзбек халқининг кўҳна, бой ва бетакрор маданияти намойиш этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўлкаимизнинг тарихий, маданий ва сайёҳлик салоҳияти ҳақида атрафлича тасаввур уйғотаётган Ўзбекистон миллий бўлмаси ушбу халқаро тадбир иштирокчилари ҳамда меҳмонлари билан гавжум бўлди. Чунки мазкур бўлмалар ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари ва миллий либослар

намуналари билан бир қаторда, юртимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти, шунингдек, мамлакатимизда барча жабҳалардан олиб борилаётган илмий ислохотлар ҳамда уларнинг натижалари ҳақида ҳикоя қиладиган ранг-баранг ахборот материаллари жой олган эди.

Фестивалда мамлакатимиз бўлмаси билан танишган айрим қатнашчилар “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан мулоқот чоғида ўз таассуротларини ўртоқлашдилар.

Жумладан, “Senior Experten Service” компанияси вакили Барбара Саба Ўзбекистоннинг ушбу халқаро анжумандаги иштирокини юқори баҳолади.

— Ўзбек маданияти, мамлакатнинг бой тарихий-меъморий мероси ҳамда замонавий тараққиёти, шунингдек, Бонндаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг фаолияти, унинг Бухоро ва Бонн шаҳарлари ўртасидаги шериклик алоқаларини муштахкамлашга қаратилган сайёҳаракатлари билан ақиндан танишишга муяссар бўлганимдан мамнунман, — деди у. — Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган Муस्ताқил байрами билан муборакбод этаман, уларга бундан-да юксак фаровонлик ва ўз мақсадларига эришишда улкан муваффақиятлар тилайман.

(Давоми 2-бетда).

Ташаббускорлик ва маҳорат

Шаҳрисабзнинг сўлим Мирози кўрғонида жойлашган “Лочин” оромгоҳида “Фонд Форум” ва “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари марказининг кенг миқёсли лойиҳаси — “Келажақ овози — 2013” ёзги ўқув оромгоҳи тадбирлари ниҳоясига етди.

«КЕЛАЖАҚ ОВОЗИ — 2013»

Мамлакатимизда муस्ताқиллигимизнинг илк кунлариданоқ ёш авлод тарбиясига устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Зотан, юрт келажаги учун қайғурадиган, ҳар томонлама етук, соғлом фикрлайдиган баркамол авлод бугун ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

Хусусан, истеъдодли йигит-қизлар ўртасида ўтказиб келинаётган “Келажақ овози” республика кўрик-танлови уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, қобилият ва салоҳиятини тўла юзага чиқариши, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида муваффақиятга эришиши, касб-хунар эгаллаши учун муштахкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

“Фонд Форум”, “Келажақ овози” ЕТМ, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Муस्ताқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ёзги ўқув-оромгоҳи “Келажақ овози” танлови ғолиблари, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг таълим грантлари, стипендиялари соҳиблари, “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари марказлари фаолларидан иборат 700 нафар иқтидорли йигит-қиз жафр этилди.

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол сурури

Ҳар ким ҳам қариганда роҳат кўрсин экан. Тунгич ўғлимиз қишлоғимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилган ҳовли-жойга кўчиб ўтдию дадаси иккимизга ҳам “Биз билан яшайсизлар”, деб туриб олди.

АЁЛ БАХТИ

Янги уйнинг кўркамлигини кўриб, бирдан ёшлик йилларим эсимга тушиб кетди. Чанг кўчалар, пасқам, лойсувоқ уйлар... Фалончиликка томсувоққа дейилса бас, қишлоғимиз эркаклари хонадонимиз-хонадон юриб, ҳашар қилишарди. Бир қиш ўтгач, аҳвол яна шу эди. Ҳозир бир сўраб кўринг-чи, томсувоқ нималигини ёшлар билширмикин?!

Ониги, бунақанги ярқираган уйларга шаҳарликлар ҳам ҳавас қилишарди. Эшикдан кирганда бир томонда қўл ювиш, ювиниш хоналари, бир томонда ошхона, меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси... Ҳаммаси кенг ва шинам қилиб қурилган. “Янгамнинг ошини ширин қилган акамнинг масаллиги” дегандек, ошхонадаги қўлайликларни айтинг. Табиий газ дейсизми, иссиқ сув, совуқ сув дейсизми, бари муҳайё. Бир пайтлар ўтин ёқиб, ўчоқда сув иситиб қийналардик, Ўзига шукур, мана, ўғил-қизларимиз, келинларимиз роҳатда.

Бир умр уйим-жойим, болам-чакам деб яшайдиган биз, ўзбек аёлларига яна нима керак, бундан ортиқ?!

Анора МАВЛОНОВА,
меҳнат фахрийси.

Зангиота тумани, Обод турмуш маҳалласи

Ғамхўрликнинг яна бир ифодаси

Касбимизнинг сурурга тўла онлари кўп. Шогирдларимиз эришяётган ютуқлардан қанчалик шодлансак, меҳнатимиз муносиб қадр топаётганини кўриб, яна шунча қувонамиз.

ДИЛ СЎЗИ

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча матбуотда эълон қилинган “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони ҳам бу борадаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Оддий қишлоқ мактаби ўқитувчиси бўлганим учун ҳам истиқлол иноятлари ҳақида гап

кетганда, биринчи навбатда, албатта, таълим соҳасидаги янги ланишларни эътироф этгим келади. Ота-оналар билан суҳбатлашганимизда ҳам, уларнинг гап-сўзлари, юз-кўзларидан ўғил-қизлари камолдан мамнунлик, эртанги кундан хотиржамлик хисси яққол сезилади.

(Давоми 2-бетда).

УЛКАН ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Муस्ताқилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида қишлоқ аҳолисига томорқа учун ер майдонлари ажратилиши фаровон ҳаётимизни таъминлашда беқиёс аҳамият касб этди.

Бугун Ўзбекистон дунёда жадал таракқий этаётган, иқтисодий таракқий барқарор ўсиш суръатларини сақлаб келаётган, энг асосийси, аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий шароити тубдан яхшиланиб, ҳаёт даражаси муттасил юксалаётган давлат сифатида эътироф этилмоқда. Зеро, мамлакатимизда муस्ताқилликнинг илк кунларидан бошлаб амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун” деган эзгу тамойилга йўғрилганки, бу эса, ўз навбатида, барча ютуқларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилаётир.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат муस्ताқиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан алоҳида таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни ҳолисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, аввало, қандай оғир ҳамда машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор қўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

(Давоми 2-бетда).



Истиқлол сурури

Бирор юрт одамлари қандай яшаётганини билмоқчи бўлсангиз, уларнинг бозорини кўринг, деган гап хўп тоғиб айтилган-да. Ҳар гал бозорга йўлим тушганда, шу нақлни ёдга оламан.

ДАСТУРХОНИМИЗ БАРАКАСИ

Ёши катта инсонлар яхши эслашади. Бундан илгирма-ўлтмиз йил аввал кўз оёқлаши билан бозорларимиз ҳувиллаб қоларди. Ора-сирада расталарга уйиб қўйилган картошка-пиёз, сабзи-шолғомни демасангиз, айтарли ҳеч бир сарҳис сабзавоту мевани топа олмадингиз. Лимону хурмо деганларни анқонинг уруғи, банану киви, апельсину мандарин каби тропик меваларни фақат телевизорда кўрардик. Қорли-қировли кунларда дуркун помидору бодринг отлиққа ҳам топилмасди. Бугун-чи?

Йилнинг истаган фаслида бозор оранг, дўконларга киринг — барча ноз-неъмат муҳайё. Саралаб олаверасиз. Нархи ҳам арзон. Яна денг, бир пайтлар хориждан олиб келинган субтропик мева ва экинларни бугун ўзимизнинг деҳқону соҳибкорларимиз уйларида етиштиришяпти. Айни илгузилди паллада-я! Бундан одамлар ҳам, деҳқон ҳам манфаатдор.

Шуларни кўриб, тилимиздан шукрона тушмайди-да. Президентимиз, аввал иқтисод, кейин сиёсат, деб жуда тўғри айтган. Ахир халқ бой яшаса, эртамиздан кўнглимиз тўқ бўлса, бундай юртдан асло барака армайди.

Музаффар МУЯССАРОВ,
Кармана туманидаги «Варқ» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли.

Ғамхўрликнинг яна бир ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бинобарин, ўқув даргоҳларида яратилган замонавий шарт-шароитлар, янги қурилаётган таълим муассасалари, спорт мажмуалари дейсизми ёки ўқитувчилар меҳнати муносиб қадрланаётгани, ўғил-қизларимизнинг иқтидорини рағбатлантиришга қаратилган кўрик-танловларни айтасизми, буларнинг барчаси ўзининг тотли меваларини бераётганига ҳаммамиз гувоҳимиз.

Ўқувчиларимиз орасидан Бобуржон Муталов кимё бўйича республика фан олимпиадасида 1-ўринни эгаллаб, Тошкент тиббий академиясига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Акмалжон Эркинжонов эса таъкиддор бўйича Жанубий Кореяда ўтказилган жаҳон чемпионатидан голиб бўлиб қайтди. Яна икки иходкор кизимиз Дилсора Абдусатторова ҳамда Саида Ортиқбоева “Янги авлод” республика

болалар фестивали совриндорлари қаторидан жой олишди. Бу каби муваффақиятлар ўз-ўзидан бўлмаслигини, уларнинг замирида юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик, Юртбошимизнинг фарзандларимиз тақдири йўлидаги беқиёс ғамхўрлик мужассамлигини яхши англаймиз.

Зеро, жаҳонда ҳали-ҳануз молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорининг оширилаётгани халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилувчи ислохотлар изчиллик билан давом эттирилаётганининг амалий тасдиғидир. Биз бунинг учун мамлакат раўнақи, халқ фаровонлиги йўлида қайтурадиган Президентимиздан чексиз миннатдоримиз.

Раҳима МИРХОЛИҚОВА,
Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

УЛКАН ТАРИХИЙ ҚАДАМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Негаки, мустақиллик остонаси ва истиқлолнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолгани ҳали кўнглимизнинг ёдидан қўтарилгани йўқ. Бундай таҳликали пайтда давлатимиз раҳбарининг жасорати билан аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратилиш ҳақида фармон ва қарорлар қабул қилинган мураккаб вазиятдан чиқиш имконини берди.

Ана шу ҳужжатлар асосида Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага жами 700 минг гектар сугориладиган ер томорқа сифатида фойдаланишга берилди. Бу қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, ҳар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, собиқ иттифок фуқароларга ер ва мулк бериш эмас, балки ўз иқтисодий тизимини ер ва мулкни одамлардан тортиб олишдан бошлаган, мулкдорларни эса шафқатсизларча қатагон қилган эди. Ана шу давлат дахлат солиб турган бир шароитда аҳолига қўшимча томорқа учун ер ажратилиши фақатгина иқтисодий тадбир эмас, балки узокни кўзлаб амалга оширилган кучли сиёсат эканлигини бугун чуқур ҳис этиб турибмиз.

Истиқлол йилларида шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликларини

ривожлантиришга янада жиддий эътибор қаратилиб, тизимли ислохотлар олиб борилаётгани уларнинг катта куч сифатида майдонга чиқишида муҳим омил бўлди. Сабоби, томорқалар ўтган асрнинг 90-йилларида, яъни энг оғир ўтиш даврида жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси тушиб кетишининг олдини олиш имконини берган бўлса, эндиликда республика аграр секторига яратилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми айнан ушбу ҳўжаликлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатимизда картошка, сабзавот, мева, полд экинлари, узум, сўт, гўшт, туҳум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда деҳқон ҳўжаликларининг ҳам муносиб улуши бор.

Таҳлилларга қараганда, томорқада экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳўжалик юри-тишининг бошқа шаклларидагига нисбатан 2-3 баробар юқори экан. Негаки, деҳқонлар бозор талаблари, қолаверса, табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, маҳсулот тайёрлашга ихтисослашувни тўғри йўлга қўйишган. Масалан, Нанай қишлоғида (Янгиқўрғон тумани), асосан, олма етиштирилса, Баймоқда (Чуст тумани) сабзи, Сўфидеҳқонда (Вобкент тумани) кулпунга ва гилос, Жўйлангар (Янгиобод тумани), шунингдек, Каттакўрғон ва Қўшработ туманларининг аксарият қишлоқларида майизбоп узум етиштириш аънавага айланган.

Чиндан ҳам, худудларнинг ўзига

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Давлат котибининг демократия, инсон ҳўқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича ёрдамчисининг ўринбосари Жейн Зиммерман раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди.

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан парламент назоратини олиб боришда Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу институт нафақат фуқароларнинг бузилган ҳўқуқлари тикланиши, балки қонун ҳужжатларини янада такомиллаштирилиши борасида ҳам салмоқли ишлар олиб бормоқда.

Музокарада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили кўплаб хоржий давлатлар омбудсманлари билан ҳамкорликни йўлга қўйгани, бу Ўзбекистондаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш

жараёнидан жаҳон жамоатчилигини кенг хабардор қилишга, инсон ҳўқуқлари бўйича халқроқ институтлар билан алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилаётгани таскидланди.

— Инсон ҳўқуқлари бўйича ҳамкорлик АҚШнинг халқроқ алоқаларида муҳим ўрин тутади, — деди Жейн Зиммерман. — Ўзбекистон билан мазкур йўналишдаги ўзаро ҳамкорлигимиз изчил тараққий этаётгани бизни гоят қувонтиради. Омбудсман институтининг фуқаролар ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик. Ўзбе-

кистонда ушбу соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётди. Омбудсман фаолиятининг самарали бўлишида минтақавий вакиллар алоҳида аҳамият касб этаётгани эътиборга молик. Улар инсон ҳўқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга катта ҳисса қўшаётди.

Учрашувда Ўзбекистонда инсон ҳўқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар, Омбудсман фаолияти, унинг прокуратура, ички ишлар идоралари ва суд органлари билан инсон ҳўқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлиги юксак самаралар бераётгани таскидланди. Томонлар мазкур йўналишдаги алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда бу борадаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдлар.

АҚШ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Шижоатли ва фаол қизлар сафи кенгаймоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани биз каби қизларнинг иқтисодларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, салоҳиятларини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди совриндорлардан бири, сирдарёлик

Сарвиноз Қурбонбоева. — Мен 5 ёшимдан спортнинг шахмат тури билан шуғулланиб келмоқдам. Ҳозиргача 14 марта Ўзбекистон чемпиони бўлдим, Осёр чемпионатида икки марта қумуш, икки марта бронза, Жаҳон чемпионатида бронза медалини кўлга киритдим. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, мамлакатимизда биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик натижасидир. Келажақда

шахмат бўйича халқроқ турнирларда иштирок этиб, юртимиз байрогини баландроқ кўтариш ва Ватанимга муносиб фарзанд бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Кизнинг мулоқот чоғида Зуфийaxonим издошларига айланган қизларнинг халқимиз, Ватан олдидаги масъулиятини қўчайтириш, истеъдодли қизлар сафини кенгайтириш, уларнинг жамиятдаги маъқени оширишга қаратилган фикр-мулохазалар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Зиёда АШУРОВА.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, бу йилги мавсумни кўтаринки кайфиятда ўтказиш мақсадида ранг-баранг павилонлар бунёд этилиб, ювиниш хоналари, чўмилиш хавзаларида барча шарт-шароит яратилди. Оромоғдаги кема, пирамид шаклида бунёд этилган ҳашаматли бинолар, Шахрисабздаги Оксарой, Самарқанднинг Регистон майдонидagi тарихий ёдгорлик мажмуалари, шунингдек, Италиядаги Колизей, Артемида ёдгорликларининг кичрайтирилган кўринишлари, “Донишмандлар хибони”, “Эрталар шаҳарчаси”даги табиат ғаройиботлари, ноёб ўрмон ҳайвонларининг ҳайкаллари бу ерда дам олувчиларнинг сермазмун хордиқ чиқариши учун хизмат қилди.

Анъанага кўра, июль ойининг дастлабки санасида бошланган ўқув оромоғи ёрқин маданий тадбирлар билан янада бойлди. Масалан, “Фонд Форум” ва “Келажақ овози” ЕТМ лойиҳалари тақдими, Оромоғ спартакиадасининг очилиш маросими ҳамда унинг доира-

сида ўтказилган жамоалар номи ва сардорлар учун кимошди савдоси, “КО Star” машур жаҳон ва миллий эстрада юлдузлари ижодида пародиялар танлови, Имтиёзли лотлар савдоси ҳамда “Халқ до-нишмандлиги” каби тад-

би”, “Ёш дастурчилар мактаби”, “Ёш иқтисодчилар”, “Ёш тренерлар”, “Ёш менежерлар”, “Маданият ва спорт клуби” каби ўндан ошиқ гуруҳларга бўлинган холда ўз билим ва кўникмаларини оширдилар.

— Бу ерга учинчи мар-

веб-сайтлар яратиш, интернет тармоғидан фойдаланиш сирларини, шу билан бирга, тармоқдан фойдаланиш жараёнида рус ва инглиз тилларини ўрганди.

— 2007 йилдан интернетда бепул сайт ярата-

Ташаббускорлик ва маҳорат

бирлар ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари, оромоғдаги хордиқ давомиди “Фонд Форум”нинг йирик лойиҳалари — Style.Uz модлар ҳафталиги, Theatre.Uz театр ҳафталиги ҳамда “Олтин Герлар” Тошкент Халқроқ кинофоруми, бўш иш ўринлари ярмаркасининг оромоғ миёсидаги кичик кўринишлари уюштирилди.

Лойиҳа давомида ташиқ этилган семинарларда иштирокчилар “Ёш тадбиркорлар мактаби”, “Интернет ва босма ОАВ”, “Тележурналистика”, “Келажақ-Линго”, “Дилемма баҳс-мунозара клуби”, “Ёш мутахассислар клу-

та келишим, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Феруза Алиқулова. — Бу гал ҳам машғуллотлар давомида ўзим қизиққан интернет журналистика соҳасидаги янгиликлар ва қизиқарли маълумотларга эга бўлдим. Шунингдек, “Келажақ овози”: мен учун...” номли фото-сўровнома ўтказиб, тенгдошларим фикрини ўргандим.

Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Руслан Рустамов ёшларидан компьютер сабоқларини пухта эгаллади. Хусусан, компьютер дастурлари,

диган тизимлар билан шуғуллана бошлагандим, — дейди Рустам. — Ҳозир ишлаш тизими ва дизайн соддароқ бўлган www.javon.uz ҳамда www.med24.uz веб-сайтларини яратдим. Мазкур сайтнинг қўлайлиги шундаки, сиз ўзингизга керакли дори-дармоннинг қайси дорихонада борлиги ҳақидаги маълумотга тез ва трафикали тежаган холда эга бўласиз. Яна бир афзаллиги шундаки, мобил алоқа воситасидан дори номини SMS тарзида жўнайтиб, қайси дорихонада мавжудлиги ҳақида хабар топшишнинг мумкин. Ушбу лойиҳам билан ўтган

Малакали мутахассислар

ҳар бир соҳа ривожининг муҳим бойворидир



Хасан ПИДЖОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Жорий ўқув йилида иштутимизни “Автомобиль ҳўжалиги”, “Автомобиль йўллари”, “Хизматлар соҳаси”, “Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш” каби 13 та ихтисослик бўйича тамомлаган жами 114 нафар битирувчи магистрик дигломлари топширилди, — дейди ўқув юртининг магистратура бўлими мудирини Алишер Абдуллаев. — Илмий тадқиқотлар ва узлуксиз таълим жараёнида талабаларга таниқли профессор-ўқитувчилар, тажрибали мутахассислар яқиндан кўмак беришди.

Битирувчилар томонидан ҳимоя қилинган магистрик ишлари пухталиги ва долзарблиги билан ажралиб турди. Соҳа мутахассислари аксарият ишларни яна давом эттириб, келгусида такомиллаштириш бўйича ёшларга ўз маслаҳатларини бердилар. Хусусан, магистр Фикрет Умировнинг “Ички ёнлиги двигателларини такомиллаштириш” мавзусидаги иши амалиётга таътиқ этишга мумкин бўлди.

Дарҳақиқат, мана шундай билимли ва иқтидорли йигит-қизларимиз мамлакатимиз тараққиёти учун астойдил хизмат қилиб, нузли манзиллар сари дадил қадам ташлашда давом этишлари, шубҳасиз. Зеро, улар ҳар жаҳада ҳеч кимдан кам бўлмаган салоҳиятли ёшлардир!

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Ўзбекистон Бонн халқроқ маданият анжуманида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирдан олган таасуротлари ҳақида сўзлар экан, **Марказий Осёр мамлакатлари бўйича эксперт Франк Лемке** ҳар йили ўтказиб келинаётган Жаҳон халқлари маданияти халқроқ байрами бу сафар ҳам дунёнинг турли мамлакатлари ва ташкилотлари вакилларидан иборат кўп сонли иштирокчиларни ўз атрофига жаллаганлари билдирди. Унинг фикрича, ушбу анжуман Бонн шаҳар маданий ҳаётидаги энг ёрқин воқеалардан бири сифатида кўнглимизнинг ёдига қолади.

— Ишончим комилки, мазкур тадбир қатнашчилари ўз мамлакатлари миллий маданияти оммалашувига ва маданиятлараро мулоқотнинг янада мустақкамлашишга катта ҳисса қўшмоқдалар, — деди у.

«Жаҳон» АА,
Берлин-Бонн

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 16 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўма нисбатан қўйида қўймати билеллади. *)

1 Австрали доллар	1910,46
1 Англия фунт стерлинг	3176,60
1 Дания кронаси	368,32
1 БАА дирҳами	572,20
1 АҚШ доллари	2101,48
1 Миср фунги	300,09
1 Испания кронаси	17,16
1 Канада доллари	2023,77
1 Ҳитой юани	342,51
1 Россия рубли	64,38
1 Украина гривнаси	262,92
1 Малайзия рингити	659,91
1 Польша злотивси	640,21
1 СДР	3154,78
1 Туркия лираси	1077,46
1 Швейцария франки	2220,50
1 Евро	2705,28
10 Жанубий Корея вон	18,74
10 Япония енаси	211,74

*) Валюта қўймати билеллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қўй-матда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Сайидфозил ЗОКИРОВ,
иқтисод фанлари номзоди.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

ривожланишида катта туртки бўлди. Аҳоли томорқа шунчаки рўзгор эҳтиёжи учун экинлар экиладиган жой эмас, балки катта даромад манбаи ҳисоби англаб етди. Натижада кўплаб деҳқонлар бир йилда 2-3 мартагача ҳосил олишга мумкин бўлиб, жумладан, тадбиркорликнинг ҳар қандай кўриниши таъкиб остига олинган эди.

Мустақиллик йилларида маҳаллий давлат органлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва маҳалла оқсоқоллари иштирокида аҳоли ўртасида томорқанинг афзалликлари юзасидан тарғибот ишларининг изчил олиб борилиши, кам таъминланган оила-ларга бепул ситир ва парранда тарқатилиши, уруғлик ва кўчтарлар билан таъминлаши, аҳолининг чорва моллари сотиб олиши ва иссиқхоналар қуриши учун имтиёзли кредитлар ажратилиши, қишлоқ жойларда инфраузилма объеклари шохбачалари барпо этилиши — буларнинг барчаси соҳанинг жадал

дан юқори ҳосил олаётган Юқори Чирчиқ туманидаги Саксонота, Истиклол, Кавардон қишлоқлари, бозорга қишин-ёзин қўқат етказиб беришни пухта ўзлаштирган Термиз туманидаги “Пахтаобод” қишлоқ фуқаролар йиғини томорқачилари ҳаётидан кўплаб келтириш мумкин.

Томорқа ҳўжалигининг ривожини билвосита алоқадор бўлган бошқа соҳалар истиқболга ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, чекка худудларда санаот корхоналарини барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлашда қўшимча шарт-шароитни яратаяпти. Бунга Ҳўжаобод туманидаги Дилқушод қишлоғидаги ўзгаришлар яққол мисол бўла олади.

Ушбу қишлоқ аҳли кўп йиллардан буён гилос етиштириш билан шуғулланади. Ҳар мавсумда ўртача 200-

Иштиқлол сурури

Илгари Ўзбекистондан чиққан чемпионлар ҳақида гап кетса, кўпчилик машҳур боксчи Руфат Рисқиевнинг номини тилга олганини эшитганман.

ОРЗУЛАР ЙЎЛИ

Ўйлаб қарасам, ҳақиқатан ҳам, ўша пайтда халқро мусобақаларда нари борса, 3-4 ҳамюртимиз юртимизга медал билан қайтган экан.

Мана, ҳозир спортнинг кўлаб турлари бўйича пешқадамликни кўлдан бермай келаямиз. Кун-кунора халқро ареналарда байроғимиз баланд кўтарилмоқда. Яқинда газетда ўқиб қолдим. Биргина ўтган йилнинг ўзида спортчи йигит-қизларимиз 204 та медал соҳиби бўлишди. Уларнинг 81 таси олтин, 61 таси кумуш ва 62 таси бронза медали экан. Агар бир йилдаги натижаларимиз шундай салмоқли бўлса, 22 йил ичида қандай марраларга эришганимизни тасаввур қилиш қийин эмас. Қолаверса, чемпионларимиз орасида қизлар ҳам кўпайиб бораётганидан ҳар қанча қувонсак, арзийди.

Бугун биз танилаган йўл — орзулар йўли! Икониёт бор экан, фақат олға интиламиз. Юртимизга муносиб фарзанд бўлиб, Ўзбекистон довергани дунёга ёямиз. Президентимиз, халқимиз, Ватанимизнинг биздан кутгани ҳам — айнан шу.

Санойим ЕРКИНБАЕВА,
миллий кураш бўйича Осиё чемпиони.

Спорт Sport Спорт

Ҳамюртимиз — универсиада чемпиони



Қозон шаҳрида давом этаётган XXVII Жаҳон универсиадасининг оғир атлетика баҳсларида ҳамюртимиз Руслан Нуриддинов олтин медални кўлга киритди.

Вазни 105 кг.гача бўлган спортчилар ўртасидаги мусобақада Ватанимиз шарафини химоя қилган моҳир полвонимиз Штангани даст кўтаришда 190 кг., силтаб кўтаришда 222 кг., иккикураш бўйича эса 412 кг. оғирликни бўйсунтирди. Эйтиборга молик жиҳати, Русланинг Штангани даст кўтариш ва иккикурашда кўрсатган натижалари Жаҳон универсиадасининг янги рекордлари сифатида қайд этилди.

Уз навбатида, юсак маҳорат ва истеъдод соҳиби эканлигини намойён этган ҳамюртимиз бу муваффақияти билан тобора яқинлашиб келаётган энг улғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига муносиб совға ҳозирлади.

Мусобақа дастуридан ўрин олган самбо беллашуварларида эса ҳамюртимиз Сухроб Остонаев ваз-

ни 90 кг.гача бўлган спортчилар ўртасида бронза медали билан тақдирланди.

Ўн бешинчи июль кунига қадар бўлган баҳслар якунига кўра, вакиллари- миз 2 та олтин, 7 та кумуш ва 9 бронза медалини жамғариб, кўлга киритилган медаллар сони бўйича 170 давлат орасида ўнчинчи погонани банд этиб турибди.

Кеча спортчиларимиздан Жамила Раҳматова (бадий гимнастика), Алексей Мочалов, Муроджон Азметов, Тўхтасин ўғли Нуриддинов, Илдор Қаюмов, Дилшод Юлдашев, Мирзиёв Қоҳиев (байдарка ва қаноэда эшак эшиш), Шоҳиста Сафарова, Бекзодбек Қудратиллаев, Истам Қудратов, Исломжон Азимов (самбо), Бобирбек Зайлобиддинов (юнон-рум кураши) совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

Ёш таэквондочиларимиз муваффақияти

Жанубий Кореяда таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ташкил этилган "Чун-Чон Оупен — 2013" халқаро турнирида ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли қатнашди.

Ушбу мусобақанинг ўсмирлар ўртасидаги беллашуварларида вакиллари- миздан Умида Абдуллаева, Нигора Турсункулова, Ниёз Пулатов олтин, Раъно Бойбутаева, Меҳрож Жабборов, Руслан Шин, Фанижон Хурлибоев бронза медалини кўлга киритди.

Олти ёшдан ўн ёшгача бўлган таэквондочилар баҳсида эса Ёсинжўжа Зийевдинов, Аббос Алиқулов, Мадина Рўзиева, Нурулан Бойхўжаев ва Жавлонбек Рустамов халқаро турнирнинг олтин медалларига сазовор бўлди.

Фазлиддин АБИЛОВ
тайёрлади.

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Қумқўрғон туманидаги "Чорвадор" кўп тармоқли фермер хўжалигининг 400 гектардан зиёд экин майдони бўлиб, ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирилади. Жумладан, хўжалик аъзолари жорий йилда давлат оморларига 206 тоннадан зиёд сара дон топширишди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 50 центнердан ошди.

— Биргина ғаллачиликдан олинган даромад 100 миллион сўмни ташкил қилди. — дейди бош ҳисобчи Норкул Омонов. — Бундан ташқари, бу йил 51 гектар майдондаги пахтадан ҳам юқори ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз.

Фермер хўжаликларининг ерлари оптималлаштирилаётган пайтда комиссия аъзолари мазкур субъектнинг иқтисодий ўсиши, моддий-техник базасини чуқур таҳлил қилиб, тумандаги иқтисодий ноҳор "Сайхон сурури" кўйчилик фермер хўжалигини ҳам унинг тасарруфига ўтказиб беришган эди. Мана, икки-уч йилдирки, тадбиркор фермер Раҳимдин Шаропов бошлик жамоа кўйчиликда ҳам катта ютуқларни кўлга киритмоқда. Яъни соғлом ва дуркун туғилаётган қўзилар ҳисоби-га отарлар сони тобора кўпаймоқда.

Бугунги кунда бу ерда 300 бошдан ортиқ зотдор қорамоллар ҳам парваришланмоқда. Шундан 50 боши соғин сигир бўлиб, улардан ойига 7-8 тонна сарқаймоқ сут соғиб олинаётир. Бошқача айтганда, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ошиши хўжаликка мўмай даромад келтирмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида тармоққа замонавий технология-

Тажриба, изланиш, интилиш

фермер хўжаликлари ривожига алоҳида ўрин тутади

ларни жорий қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш сингари долзарб вазифалар белгилаб берилган эди. Шундан келиб чиқиб, фермер говмишлардан соғиб олинаётган сутни қайта ишлашни йўлга қўйди. Хўжалик маблага ҳисобига хорижнинг илғор технологияси билан жиҳозланган янги цехда бир кеча-кундузда 500 килограмм сутдан 6 хил турдаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиб, "Чорвадор" ёрлиги билан савдо нуқталари ва болалар боғчаларига етказиб берилмоқда.

— Қўпинча миқозларимиз "Цехингизда тайёрланган сут маҳсулотларининг мазаси яхши, нархи эса арзонлигининг сири нимада?" деб сўрашади, — дейди фермер. — Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Аввало, биз санат корхоналарининг қиммат нарҳдаги омихта емини сотиб олаймиз. Қолаверса, кам электр энергияси сарфлаб, кўп маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий технологияларга эгамиз. Яна бир омил шуки, ҳар йили ғалла ҳосили ўриб олинган майдонга такрорий экин сифатида маккажўхори

экамиз. Макканинг дони витаминга бой эмасми, чорва учун тўйимли озуқа саналади. Омихта ем тайёрлайдиган аппарат ёрдамда уни майдалаб, қишлоғга етadиган миқдорда озуқа жамғарамиз. Чуқур ҳандақларга эса кўк масса бостирамиз. Буларнинг бари қишлоқдан беталафот чиқишга, маҳсулдорликнинг ошишига хизмат қилмоқда.

раш учун эса махсус тўрлар тортилди.

— Боғбонларимиз дарахтларга шакл бериш, кўчатларни пайвандлашни хорижлик ҳамкорлардан мукамал ўрганиб олишган, — дейди Р. Шаропов. — Гап шундаки, дарахт шоҳига мутахассислар айтганидек, шакл берилсагина кўш нури ҳаммасига баробар тушиб, меваси

ди: сифатли ва мазаси тотли маҳсулотнинг 20 тоннаси олдиндан буюртма берган миқозларга сотилиб, салкам 10 тоннаси фермер хўжалигининг сизими 150 тонналик оморига сақланган ҳолда, Наврўз байрами кунларида бозор рассталарига чиқарилади.

Айни пайтда кўп тармоқли фермер хўжалигида 60 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларни ижтимоий



Шаропов РАҲИМДИН

сархил — бозорбоп бўлади.

Эйтиборли жиҳати, ўтган йилнинг кўзида интенсиб боғнинг дастлабки ҳосили териб олинди. Натижа чакки бўлма-

Реклама ва эълонлар

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бозорининг яқунлари (2013 йил I ярим йиллик натижаларига кўра)

Суғурта назарини ва амалиёти шуни кўрсатадики, мажбурий суғурта давлат ҳамда жамият нуқтаи назаридан муҳим бўлган соҳаларда татбиқ қилинади. Давлатчилик томонидан мажбурий суғурта моддий зарар қоплашни принциплал аҳамиятга эга бўлган жамият манфаатлари билан боғлиқ суғурта объектларига нисбатан ташкил этилади.

2008 йил 22 октябрда кучга кирган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича ҳозир «Узагросуғурта» ДАСК (ОАЖ), «Кафолат» ДАСК (ОАЖ), «Ўзбекинвест» ЭИМСК, ЁАЖ «Alfa Invest» СТ, ОАЖ «Kapital Sug'urta», МЧЖ «Asia Inshurans» СК, ОАЖ «Alskom» СК, ЁАЖ «Universal Sug'urta», МЧЖ «Ishonch» БСК компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

Республикамиз суғурта бозорига 2013 йилнинг 6 ойи мобайнида суғурта компаниялари томонидан жами мазкур мажбурий суғурта тури бўйича 963 844 донга суғурта полиси расмийлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 110,2% ни ташкил этди. Ушбу давр мобайнида қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ҳажми эса жами 5 876,2 млрд. сўмга (122,2%) тенгдир.

2013 йилнинг 6 ойи мобайнида суғурта компаниялари томонидан жами 2 387 донга (104,9%) умумий суммаси 3 551,2 млн. сўмга (112,2%) тенг суғурта давволари қониқтирилган бўлиб, 38 донга (97,4%) умумий суммаси 91,1 млн. сўмлик (113,8%) суғурта давволари қониқтирилмасдан қолдирилди.

№	Суғурта компаниялари	Тузилган суғурта шартномалари сони (дона)			Келиб тушган суғурта мукофоти (млн. сўм)			Қониқтирилган суғурта давволари (млн. сўм)		
		жами	улуши	ўтган йилга нисбати	жами	улуши	ўтган йилга нисбати	жами	улуши	ўтган йилга нисбати
1.	«Узагросуғурта» ДАСК (ОАЖ)	410 593	42,6%	109,2%	11 191,4	36,9%	119,9%	989,3	27,9%	101,6%
2.	«Кафолат» ДАСК (ОАЖ)	176 929	18,4%	125,7%	6 035,1	19,9%	134,9%	508,4	14,3%	90,9%
3.	«Ўзбекинвест» ЭИМСК	50 482	5,2%	108,7%	1 769,7	5,8%	118,9%	146,8	4,1%	194,4%
	Давлат улуши мавжуд компаниялар бўйича, ЖАМИ:	638 004	66,2%	113,3%	18 996,2	62,6%	124,2%	1 644,4	46,3%	102,2%
4.	ОАЖ «Kapital Sug'urta»	86 501	9,0%	139,4%	3 241,7	10,7%	155,7%	556,9	15,7%	154,0%
5.	ОАЖ «Alskom» СК	75 035	7,8%	134,6%	2 293,3	7,6%	156,5%	242,0	6,8%	211,9%
6.	МЧЖ «Asia Inshurans» СК	54 694	5,7%	104,1%	2 023,6	6,7%	114,1%	283,1	8,0%	70,9%
7.	ЁАЖ «Alfa Invest» СТ	44 170	4,6%	41,4%	1 571,0	5,2%	47,8%	653,5	18,4%	110,5%
8.	ЁАЖ «Universal Sug'urta»	43 415	4,5%	234,5%	1 449,9	4,8%	241,6%	94,9	2,7%	200,0%
9.	МЧЖ «Ishonch» БСК	22 025	2,3%	137,9%	783,0	2,6%	143,7%	76,4	2,2%	177,7%
	Бошқа компаниялар бўйича, ЖАМИ:	325 840	33,8%	104,6%	11 362,4	37,4%	116,5%	1 906,8	53,7%	122,5%
	ЖАМИ	963 844		110,2%	30 358,6		121,2%	3 551,2		112,2%

Худудлар кесимида йиғилган суғурта мукофотлари бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти етакчилик қилиб келмоқда. Ушбу худудлар мос равишда суғурта бозорининг 25,4% ва 12,1% улушини эгаллаган. Энг кам улушлар Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бўлиб, мос равишда 1,6% ва 1,8%ни ташкил этган. Қолган худудлар улушлари куйидаги жадвалда кўрсатилган:

№	Суғурта компаниялари	Тузилган суғурта шартномалари сони (дона)			Келиб тушган суғурта мукофоти (млн. сўм)			Қониқтирилган суғурта давволари (млн. сўм)		
		жами	улуши	ўтган йилга нисбати	жами	улуши	ўтган йилга нисбати	жами	улуши	ўтган йилга нисбати
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	41 517	4,3%	138,1%	954,5	3,1%	143,4%	27,6	0,8%	106,6%
2.	Андижон вилояти	68 857	7,1%	115,3%	2 155,3	7,1%	130,1%	100,5	2,8%	86,6%
3.	Бухоро вилояти	77 907	8,1%	110,7%	1 966,9	6,5%	122,9%	46,8	1,3%	83,8%
4.	Жиззах вилояти	26 612	2,8%	113,1%	560,8	1,8%	118,2%	29,4	0,8%	562,0%
5.	Қашқадарё вилояти	73 858	7,7%	113,5%	1 781,8	5,9%	126,9%	34,3	1,0%	77,8%
6.	Навий вилояти	33 762	3,5%	115,2%	895,0	2,9%	121,2%	21,0	0,6%	119,7%
7.	Наманган вилояти	57 946	6,0%	112,3%	1 748,4	5,8%	124,8%	106,4	3,0%	88,9%
8.	Самарқанд вилояти	95 549	9,9%	103,2%	2 905,9	9,6%	115,5%	48,3	1,4%	82,6%
9.	Сурхондарё вилояти	44 916	4,7%	127,2%	1 116,7	3,7%	132,1%	37,8	1,1%	118,0%
10.	Сирдарё вилояти	20 867	2,2%	114,5%	494,1	1,6%	126,0%	73,6	2,1%	95,4%
11.	Тошкент вилояти	107 083	11,1%	117,8%	3 687,8	12,1%	134,8%	438,8	12,4%	103,6%
12.	Фарғона вилояти	88 297	9,2%	105,5%	3 030,4	10,0%	121,0%	30,4	0,9%	48,5%
13.	Хоразм вилояти	57 833	6,0%	110,1%	1 337,1	4,4%	125,5%	33,8	1,0%	99,2%
14.	Тошкент шаҳри	168 840	17,5%	98,3%	7 724,1	25,4%	109,5%	2 522,4	71,0%	120,5%
	ЖАМИ	963 844		110,2%	30 358,6		121,2%	3 551,2		112,2%


2013 йилнинг 6 ойи мобайнида суғурта компаниялари томонидан суғурта мукофоти бўйича 29 997 суғурталовчига 456,3 млн. сўмга тенг сийловлар берилган. Ушбу давр мобайнида Туловларни кафолатлаш жамгармаси томонидан суғурта компаниялари жамгармага тақдим этган ҳужжатлар асосида 18 394 суғурта шартномаси бўйича 245,8 млн. сўмга тенг сийловлар компенсация қилинди. Туловларни кафолатлаш жамгармаси томонидан йўл-транспорт ҳодисасида жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги 114 та илтимоснома бўйича 183,5 млн. сўмга тенг миқдорда компенсация туловлари амалга оширилди.

Маълумотлар суғурта компаниялари ҳисоботлари асосида тайёрланди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Туловларни кафолатлаш жамгармаси.

ЁАЖ шаклидаги «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» ҚК лизинг компанияси

тошни майдалаб-сараловчи ускуна сотилиши ҳақида эълон қилади.



Ускуна шокли майдаловчи, конусли майдаловчи, вертикал валли зарбли майдаловчи, галвир машинаси, кумовгич ҳамда транспортёрдан иборат. Қуввати соатига — 100 тонна. Ускуна Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган.

Тўлиқ маълумот олиш учун бизнинг офисга мурожаат қилишнингиз мумкин.
Тел: (+99871) 120-02-02.
Масъул шахс: Холтўраев Сухроб.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

направляемые кровельные и гидроизоляционные материалы: **ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ** собственного производства на стеклотканной основе.

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией. ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Тел.: (+99890) 988-09-69, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Yoshlar" телерадиоканали ЁАЖ жамоаси Наманган вилояти бўйича ўз муҳбири Бахтиёр Мамажоновга онаси
Оризон ая
МАМАЖОНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси жамоаси Тошкент тиббиёт академияси Катталар жарроҳлик стоматология кафедраси мудири, профессор А. А. Жилонова қизи
Фотима УМАРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

